

## Путин: «Биз Ислом олами билан муносабатларни қадрлаймиз»



10:03 / 20.12.2020 2066

Россия Ислом дунёси билан бугунги кунда кенгайишга интилаётган барқарор, узоқ йиллик ва чуқур илдиз отган муносабатларини қадрлайди. Бу ҳақда 17 декабрь куни Россия президенти Владимир Путин йиллик матбуот анжуманида айтиб ўтди.

«Араб дунёси ва Ислом дунёсига келсак, биз ушбу мамлакатлар ва ташкилотлар билан анъанавий алоқалардамиз. Россия баъзи нуфузли халқаро Ислом ташкилотларида кузатувчи ҳисобланади. Араб дунёси билан алоқалар Совет Иттифоқи учун ҳам, бугунги Россия Федерацияси учун ҳам анъанавийдир», деб эслади давлат раҳбари. — Энди бизнинг Ислом дунёси ва араб дунёси билан ҳамкорлик кўлами ва географияси анча кенгайди. Биз буни жуда қадрлаймиз ва бу алоқаларни янада

ривожлантирамиз» деди.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***